ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШ ШАКЛЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИНГ ШАХС ТИПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИНИ ЭМПЕРИК ЎРГАНИЛИШИ

Мухайя Хусиновна Джуманиязова
Урганч Давлат университети катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада талаба ёшларнинг диний дунёқарашининг шаклланиш даражаси (диний / илмий) билан шахснинг типологик хусусиятлари билан боғлиқлигини эмпирик ўрганиш бўйича қарашлар келтирилган. Тадқиқотчиларнинг мавзуга ёндашувлари тизимли равишда таҳлил қилинди. Бундан ташқари, муаллифнинг илмий хулосалари берилган.

Калит сўзлар: дин, диний дунёқараш, диний эътиқод, экстраверсия, интроверсия,сезги , интуиция, ижтимоий-психологик қадрият, диний ғоялар, қадриятлар.

THE EMPERICAL STUDY OF THE RELATIONSHIP OF THE LEVEL OF FORMATION OF THE RELIGIOUS WORLDWIDE WITH PERSONAL TYPOLOGICAL CHARACTERISTICS

Mukhayya Khusinovna Djumaniyazova
Senior teacher, Urgench State University

ABSTRACT

This article presents the views on the empirical study of the relationship of the degree of formation of the religious worldview of student youth (religious / scientific) with the typological features of the individual. The researchers’approaches to the topic were systematically analyzed. In addition, the author's scientific conclusions are given.

Keywords: religion, religious worldview, religious belief, extraversion, introversion, intuition, intuition, socio-psychological value, religious ideas, values.

КИРИШ

Жаҳондаги шахс ва жамият муаммоларини ўрганувчи мутахассислар, шахснинг социумга қўшилиши, унда коммуникатив маданиятни ривожлантириш асоси сифатида – ижтимоий-психологик қадрият шакли

сифатида диний эътиқодни ўрганиш лозимлигини таъкидлашмоқда. Шу боис, жаҳон психологиясида диний эътиқодни ўрганишнинг услубий муаммоларини, диний дунёқараш табиатини, ҳозирги оммавий маданият шароитидаги ёшларнинг диний эътиқод жиҳатдан ўхшашлигини, шахснинг диний эътиқоди ва ижтимоий ҳамкорликни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида диний дунёқараш, диннинг ўзидан фарқли равишда унинг муайян конфессионал тушунишида, мураккаб, тизимли ва ўзгарувчан бўлган бир шароитда бутун жаҳон жамоатчилигини дин, диний дунёқараш тушунчаларининг моҳиятини ўрганувчи тадқиқотларга бўлган муайян эҳтиёж тобора кўпроқ сезилмоқда. Шундай эҳтиёжни тўлдириш учун диний дунёқарашни тўғри тушуниш, баҳолаш учун унинг илмий жиҳатдан асослантирилган тавсифларини, диний дунёқарашнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, унинг мазмунан талқин қилинишини, ижтимоий-психологик қадриятлар ва устунликлар улушини инобатга олиш зарур. Шунга боғлиқ ҳолда, диний дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг турлича намоён бўлишини очиб бериш имкониятини берадиган тегишли эмпирик материал ҳамда уларнинг илмий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича доимий равишда тадқиқотлар олиб боришга зарурат борлигидан далолат беради.

Диний эътиқодни ижтимоий-психологик ўрганишнинг услубий муаммолари ўрганилган бўлса-да, бевосита ҳозирги талаба ёшларнинг диний дунёқарашини ўрганиш бўйича изланишлар ўтказилмаган. Бинобарин, ўрганилаётган муаммонинг ижтимоий аҳамиятлилиги, ижтимоий-психологик амалиётга бўлган заруратини илмий жиҳатдан етарли даражада ишлаб чиқиш алоҳида тадқиқот муаммоси саналади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мазкур муаммо бўйича илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, диний дунёқараш ва ушбу йўналишдаги бошқа базавий тушунчаларни таърифлаш (аниқлаш)га кўплаб ёндашувлар мавжуд. Шу билан бирга, бугунги кунда уларни бир хил, умумий қабул қилинган тарзда тушуниш ва тегишлича таърифлаш кузатилмайди. Шунга боғлиқ ҳолда, олимларнинг ушбу ўрганилаётган ҳодисага нисбатан бўлган фикрларини янада батафсилроқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Масалан, О.Ф.Лобазова, Р.А.Финкларнинг фикрича, дин одамларнинг маълум бир илоҳга сиғиниб бошлаган даврларида пайдо бўлган, дин пайдо бўлганидан кейин эса диний эътиқод, диний дунёқараш ва бошқа тушунчалар ҳам пайдо бўлган. Дин

деганда, одатда, инсон ва Худо ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи хақиқат, буйруқ, талабларнинг мажмуаси тушунилади. Диний эътиқод тушунчаси эса кўпроқ тегишли кишининг, уларни бажаришга ўзига ўзимажбурият олувчи диний меъёрлар тизимига индивидуал, шахсий муносабатини ифодалайди. Диний эътиқод ўз ичига диний тасаввурлар, маънавий ҳис-туйғулар ва турлича маросимларга ва бошқаларга муносабатида намоён бўлувчи диний дунёқарашни қамраб олади [3].

Р.М.Ахмедовнинг фикрига кўра, диний эътиқод тушунчасининг таърифи умуман динни ўрганишнинг муҳим ва базавий тушунчаларидан бири сифатида талқин қилиниб, диний ғоялар, қадриятлар, меъёрларнинг субъектив ўзлаштирилишининг сифат ва миқдор аниқлигини ва уларнинг Худога ишонувчиларнинг (эътиқодлиларнинг), диний жамоанинг хулқига, ҳаёт тарзига таъсирини характерлайди. Диний дунёқараш тушунчаси таркибининг моҳияти диний ғоялар, қадриятлар, меъёрларнинг субъектив ўзлаштирилишида намоён бўлади ва индивидуал ва шу билан бир вақтда дин инсонга ўзи учун ўзи танлайдиган нимани беришини субъектив баҳолашда ифодаланади. Бундан ташқари, мазкур дунёқараш ўз ичига нафақат диний догмаларни, қоидаларни, билимларни, балки ҳар бир алоҳида инсоннинг индивидуал тажрибасининг улушини ҳам қамраб олади. У одатда, ҳар ким учун такрорланмас бўлган тегишли тажрибадан ўтиш йўли орқали шаклланади. [1].

Н.А.Красниковнинг фикрича,дин мураккаб маънавий таълим сифатида нафақат ижтимоий-тарихий ҳодиса, дунёқараш тури, маданият акси, жамоатчилик онги шакли эмас, балки шахсий феномен сифатида майдонга чиқади, чунки инсон турмуши индивидуал даражада қабул қилинади, яъни муайян индивиднинг онгида таҳлил қилинади. Дин, ўзи, инсон турмушининг потенциал имконияти сифатида борлиқнинг абстракцияси бўлиб майдонга чиқади. У ҳақиқий муайян ҳаётга идеал шакл беради. Дин ўзини диний муносабатларда намоён қилади ва ўзини долзарблаштиради, шуларга таяниб ҳақиқий турмуш мақомига эга бўлади. Диний эътиқод, диний дунёқараш тушунчаларининг мавжуд бўлишига эҳтиёж шу билан тушунтирилади [2].

НАТИЖАЛАР

Майерс-Бриггснинг шахсни тоифалаш идентификатори илмий тадқиқий ишларда кенг қўлланилади. Myers-Briggs Type Indicator шахснинг 16 тоифасидан бирини аниқлашга мўлжалланган. У жуфт-жуфт қилиб ўзаро боғланган 8 шкалани қамраб олади. Тестнинг асосий мақсади инсонга ўз индивидуал мойилликларини ойдинлаштиришга хизмат қилиш [4].

1. **E—I** шкаласи— онг ориентацияси (йўналганлиги):

E (**E**xtraversion, экстраверсия) — онгнинг ташқи оламга, ташқи объектларга йўналганлигини ифодалайди;

I (**I**ntroversion, интроверсия) — онгнинг ўзига, субъектнинг хусусий кечинмаларига йўналганлиги;

2. **S—N** шкаласи— вазиятда йўналишни аниқлаш услуби:

S (**S**ensing, сезгилар) — конкрет ахборотга таяниш;

N (i**N**tuition, интуиция) — умумлашган ахборотга таяниш;

3. **T—F** шкаласи— қарор қабул қилиш негизи:

T (**T**hinking, тафаккур) — муқобил ечимларни тафаккурий қиёсга асосланадиган қарор;

F (**F**eeling, туйғу) — эмоционал асосда қабул қилинадиган қарор

4. **J—P** шкаласи— қарор қабул қилишга ҳозирлик услуби:

J (**J**udging, мушоҳада) — ахборотни олдиндан тартиблаш ва режалаштиришни маъқул кўриш,

P (**P**erceiving, идрок) — вазиятдан келиб чиққан холда, дастлабки пухта ҳозирликсиз хатти-ҳаракатни маъқуллаш.

Майерс-Бриггснинг шахсни тоифалаш идентификатори асосида албатта, улар ўртасида маълум бир тафовутлар мавжудлигини эътироф этсак-да, К.Г.Юнгнинг психоаналитик назарияси ётади [5].

Психология фанига Юнг қўшган энг салмоқли ҳисса унинг томонидан тавсиф этилган икки йўналганлик ёки ҳаётий установка: экстраверсия ва интроверсия тушунчаларидир (Jung, 1921/1971). Юнг назарияси биноан мазкур икки йўналганлик инсонда бир пайтда мавжуд, фақатгина улардан биттаси ўз устиворлигини намоён қилади. Экстраверт установкада бошқа одамлар ва предметларга – кучли қизиқиш намоён бўлади. Экстраверт ҳаракатчан, сергап, одамлар билан тез муносабатлар ўрнатади ва боғланади, ташқи омиллар уни ҳаракатга келтирувчи кучлардан саналади.

Интроверт, аксинча, ўз ички олами: ҳаёллар, ўйлар, тажрибасига йўналган. У кузатишни ёқтиради, оғир-босиқ, ёлғизликни севади, объектлардан узоқлашишга интилади, қизиқиши ўзига қаратилган. Мазкур икки установка ўзаро оппозицияда бўлади:агар бири етакчи ва рационал бўлса, иккинчиси ёрдамчи ва иррационал бўлади. Уларнинг ўзар комбинацияси (бирикуви) натижасида хулқ-атвор моделлари аниқ ва прогнозлаш имконияти мавжуд шахслар шаклланади.

Юнг ўзининг экстраверсия ва интроверсия концепциясини ифода этгандан кейин у, ушбу икки қарама-қарши йўналганлик ёрдамида, одамларни

оламга бўлган муносабатларидаги тафовутларни тўкис тушунтириш имконияти мавжуд эмас, деган хулосага келади. Шу боис у ўз типологиясини психологик функцияларни киритиш йўли билан кенгайтиришга қарор қилган. Юнг фарқлаган асосий психологик функцияларга – тафаккур, сезги, туйғу ва интуиция тааллуқлидир (Jung, 1921/1971).

Тафаккур ва туйғуни Юнг рационал функциялар сирасига киритган. Улар ҳаётий тажриба хусусида мулоҳаза юритиш имкониятини беради деб ҳисоблайди Юнг. Мутафаккир тоифадаги шахс у ёки бу нарсалар қиймати тўғрисида мантиқ ва далиллар ёрдамида фикр юритади. Тафаккурнинг зидди бўлган туйғу бизни реаллик тўғрисида ижобий ёки салбий эмоциялар тили ёрдамида огоҳлантиради. Туйғуга таянувчи тоифадаги шахс ўз диққатини ҳаётий тажрибанинг эмоционал жиҳатларига қаратади ва ашёлар қиммати хусусида “яхши ёки ёмон”, “ёқимли ёки ёқимсиз”, “ҳаракатга ундовчи ёки зерикарли” каби категорияларга кўра мулоҳаза юритади. Юнг фикрига кўра, тафаккур етакчи вазифани бажарганда шахс мақсади баҳоланаётган тажриба ҳақиқий ёки ёлғон эканини аниқлаш бўлган, тафаккурий мулоҳазалар юритишга мойил бўлади. Туйғу етакчи вазифани бажарадиган бўлса шахс тажриба ёқимли ёки ёқимсиз экани хусусидаги хулосаларни беришга йўналган бўлади.

Иккинчи ўзаро ихтилофда бўлган жуфтлик – сезги ва интуиция – функцияларидир. Мазкур жуфтлик функцияларини Юнг иррационал (англанмаган) дейди. Зотан улар ташқи (сезги) ёки ички (интуиция) оламда рўй бераётган ҳодисаларни пассив тарзда акс эттиришади, қайд қилишади, уларни баҳоламайди ва мазмунини тушунтирмайди. Сезги ташқи оламнинг бевосита, ҳеч қандай баҳолашларсиз идрок этилишидир. Сезгиларга таянувчи шахс таъм, хид ва ҳ., ташқи оламдан келувчи стимулларга нисбатан зийрак бўлади. Интуитив шахс, аксинча, жорий ҳаётий тажрибани онгсиз идрок этади. У ботиний сезимларга таянган холда ҳодисалар моҳиятини тушуниб етади. Юнг фикрига биноан, агар одамда сезги етакчилик қилса у воқеликни гўёки уни суръатга олаётгандай, ҳодисалар тили ёрдамида англайди.Бошқа томондан, интуиция етакчилик қилса, одам англанмаган образларга, рамзлар ва кечинмаларнинг яширин маъноларига урғу беради.

Ушбу тўрт психологик функция ҳар бир одамда мавжуд. Бироқ фақат битта шахсга доир йўналганлик (экстраверсия ёки интроверсия) одатда устивор, англанган бўлса, худди шундай тарзда рационал ёки иррационал жуфтликдаги функцияларнинг фақатгина биттаси устиворлик қилади ва англанади. Бошқа функциялан онгсизликда мавжуд бўлгани боис инсон хулқи регуляциясида

ёрдамчи вазифани ўтайди. Тўрт функциялардан ҳар бири етакчи бўлиши мумкин. Демакки, индивидуумларнинг фикрга эргашувчи, туйғуга эргашувчи, сезгига таянувчи ва интуитив тоифалари кузатилади. Юнг назариясига кўра фақатгина ушбу тўрт функцияни уйғунлаштира олган одамгина ҳаётий вазиятлардан чиқишда уларнинг ҳар биридан самарали фойдаланиши мумкин [4].

Майерс-Бриггс ва Юнг типологияларида тафовутлар шундан иборатки, улар иккиси шахс тоифаларининг турли функционал моделларидан фойдаланишади. Юнг ҳам рационаллик ва иррационалликка нисбатан “мушоҳада” ва “идрок” атамаларини қўллаган:

“Мен мазкур тоифаларнинг иккисини ҳам рационал ёки мушоҳада кўриниши сифатида ифодалайман, чунки иккиси ҳам оқил мушоҳада функциялари устиворлиги билан белгиланади” . “Мен мазкур икки тоифани ҳам ўша асосда иррационал сифатида ифодалайман, чунки улар ўз хатти-ҳаракатлари тарзини ақлга эмас, идрокнинг мутлақ шиддатига қуришади.”

Демакки, Майерс “мушоҳада/идрок” ёрдамида янги атамани олиб кирмаган, фақатгина Юнгнинг “рационаллик/иррационаллик”ни ифодалаган атамаларнинг бирини танлаб олган холос.

Ушбу моделларда интроверт тоифалар учун принципиал тафовутлар мавжуд эмас.

МУҲОКАМА

Биз ўз тадқиқотимизда диний дунёқарашнинг умумий шаклланганлиги (диний/илмий) ва унинг жинслараро тафовутлардаги ифодаларида Майерс-Бриггс фарқлаган шахс тоифалари хусусиятлари қандай намоён бўлишини текшириш мақсадини ҳам илгари сурганмиз. Бунинг учун респондентларни жинс билан боғлиқ ҳамда умумий диний дунёқараш шаклланганлигининг қуйи ва юқоридаражаларига кўра тўрт мустақил гуруҳга ажратдик (1-жадвал).

1-жадвал

Респондентларнинг жинс билан боғлиқ ҳамда умумий диний дунёқараш шаклланганлиги даражасига кўра тақсимоти

	Диний дунёқараш шаклланганлик даражаси		**Жами респондент**
	Қуйи	**Юқори**	
Аёл	18 нафар	102 нафар	**120 нафар**
Эркак	21 нафар	98 нафар	**119 нафар**
Жами	**39 нафар**	**200 нафар**	**239 нафар**

Биз ўз илмий тадқиқотимиз давомида респондентларни дастлабки - Д.О.Смирновнинг (МИРА) диний фаолликни ўлчаш - методикаси ёрдамида олинган натижаларга кўра, диний дунёқарашнинг икки қуйи ва юқори даражада шаклланган жинсий белгиларга асосланган гуруҳларга ажратдик: диний дунёқараши юқори даражада шаклланган аёллар сони 120 нафарни, эркаклар сони 119 нафарни, диний дунёқараши қуйи даражада шаклланган аёллар сони 18 нафарни, эркаклар эса 21 нафарни ташкил қилди.

Сўнг мазкур гуруҳ респондентларида Майерс-Бриггснинг шахсни тоифалаш идентификатори тестини ўтказдик. Олинган тест натижаларини SPSS-18 да Mann-Whitney нинг нопараметрик ўлчовларга мўлжалланган U мезони ёрдамида қайта ишладик. Қайта ишлаш натижалари юқоридаги жадвалда ўз ифодасини топган (2-жадвал).

2-жадвал

Диний дунёқараш ифодаланганлик даражасига кўра типологик фарқлар (аёл респондентлар)

Типологик хусусиятлар шкалалари	Диндорлик шаклланганлик даражаси	N	Ранглар ўртачаси	Ранглар йиғиндиси	Mann-Whitney U- мезон	p ≤
E—I шкаласи	Қуйи (илмий)	18	59,58	1072,50	901.500	0.900
	Юқори (диний)	02	60,66	6187,50		
	Total	20				
S—N шкаласи	Қуйи (илмий)	8	9,50	171,00	0.000	**0.000**
	Юқори (диний)	02	69,50	7089,00		
	Total	20				
T—F шкаласи	Қуйи (илмий)	8	9,50	171,00	0.000	**0.000**
	Юқори (диний)	02	69,50	7089,00		
	Total	20				
J—P шкаласи	Қуйи (илмий)	8	63,44	1142,00	865.00	0.689
	Юқори (диний)	02	59,98	6118,00		
	Total	20				

Диний дунёқараш ифодаланганлик даражасига кўра тақсимланган аёлларнинг типологик фарқлари статистик жиҳатда аҳамиятли равишда (Mann-Whitney U- мезони бўйича p≤0.000) икки бинар шкалада кўзга ташланяпти:

S—N шкаласи— вазиятда йўналишни аниқлаш услуби ҳамда

T—F шкаласи— қарор қабул қилиш негизини акс эттирувчи шкалаларда. Яъни, диний дунёқараш шаклланганлик даражаси қуйи бўлган аёл респондентларда:

S (**S**ensing, сезгилар) — конкрет ахборотга таяниш ва

T (**T**hinking, тафаккур) — муқобил ечимлар тафаккурий қиёсга асосланадиган қарор кузатилса,

диний дунёқараш шаклланганлик юқори бўлган аёлларда

N (i**N**tuition, интуиция) — умумлашган ахборотга таяниш ҳамда

F (**F**eeling, туйғу) — эмоционал асосда қабул қилинадиган қарор кучли намоён бўлиши қайд этилди.

Худди шу тафовутлар диний/илмий дунёқараш шаклланганлигига қараб тақсимланган эркаклар гуруҳида ҳам кузатилган (3-жадвал).

3-жадвал

Диний дунёқараш ифодаланганлик даражасига кўра типологик фарқлар (эркак респондентлар)

Типологик хусусиятлар шкалалари	Диндорлик шаклланганлик даражаси		Ранглар ўртачаси	Ранглар йиғиндиси	Mann-Whitney U- мезон	p ≤
E—I шкаласи	Қуйи (илмий)	1	59,60	1251,50	1020.5	0.951
	Юқори (диний)	8	60,09	5888,50		
	Total	19				
S—N шкаласи	Қуйи (илмий)	1	11,00	231,00	0.000	**0.000**
	Юқори (диний)	8	70,50	6909,00		
	Total	19				
T—F шкаласи	Қуйи (илмий)	1	11,00	231,00	0.000	**0.000**
	Юқори (диний)	8	70,50	6909,00		
	Total	19				

J—P шкаласи	Қуйи (илмий)	1	52,83	1109,50	878.5	0.280
	Юқори (диний)	8	61,54	6030,50		
	Total	19				

Диний/илмий дунёқараш шаклланганлигига қараб тақсимланган эркак ва аёлларнинг типологик формулалари қуйидагичадир:

ESTP – диний дунёқарашнинг қуйи (илмий) даражаси мавжуд респондентлар (ҳам аёл, ҳам эркак) умумий профили;

ENFP - диний дунёқарашнинг юқори даражаси мавжуд респондентлар (ҳам аёл, ҳам эркак) умумий профили.

ESTP – диний дунёқарашнинг қуйи даражаси, илмий дунёқараши юқори мавжуд респондентларнинг типологик хусусиятлари қуйидагиларда ифодаланади:

Экстравертлашган сенсор тафаккурий идрок этувчи

Характеристикалари: “Реалистлик қонида бор”.

Устивор функцияси – деталларни идрок этиш (зийраклик) ва фактлар билан боғлиқ экстраверт сенсорлик (сезгирлик).

Ёрдамчи функцияси – интровертлашган рационализм.

Уларнинг диққати одамлар ва объектлар оламига йўналган. Ахборот йиғиш беш сезгиси орқали амалга ошади. Кейинчалар ахборот баҳоланади ва объектив таҳлил этилади, бироқ ҳар қандай янгиликка очиқлигича қолишади. Ҳар қандай вазиятда аниқ ифодаланган ва объектив, амалий жиҳатдан қадрли, тезкор жавоб беришга қодир.

ENFP - диний дунёқарашнинг юқори даражаси, илмий асосга унчалар ҳам эътибор бермайдиганреспондентларнинг умумий профили.

Экстравертлашган интуитив хассос идрок этувчи

Характеристикаси: “Яшасин ҳаёт!”

Устивор функцияси – экстравертлашган интуиция – билвосита кузатувлар ва имкониятлар.

Ёрдамчи функцияси – интровертлашган ҳассослик (сезгирлик) – зиддиятлар ечимлари шахслараро йўналган.

Экстраверсия, интуиция, ҳассослик ва таъсирчанликка мойилликнинг ўзаро уйғунлашуви уларга самарали ҳамкорлик, турли тадбирларда иштирок этиш ва кутилмаган вазиятларга чидамлилик каби кўникма ва уникал қобилиятларни инъом этади.

Ҳаётни унинг имкониятларини бор турфалигича идрок этиш ва мазкур имкониятларни уларнинг инсонлар тақдирига қай тарзда таъсир қилиши нуқтаи назаридан талқин қилишади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, биз диний/илмий дунёқарашга эга респондентларда жинс билан белгиланадиган типологик тафовутлар мавжуд эмаслиги, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, мазкур дунёқараш жинсдан кўра кўпроқ, шахснинг бевосита типологик хусусиятларига боғлиқ.

Шунингдек, шахснинг диний дунёқараши – умумтизим психик ҳодисалари сирасига тааллуқли; диний/илмий дунёқараш даражасини бошқа детерминантлар бири сифатида тадқиқ этишнинг - ўзи етарли эмас; диний/илмий дунёқараш психик тизим мавжудлигини таъминловчи шартлар сирасига кириши билан бир қаторда, тизимли детерминация натижаси ҳамдир. Дунёқарашнинг диний ёки илмий шаклга эга эканлиги ташқи муҳитга олиб чиқадиган каналларни ўзига хос тарзда назорат остида ушлаб туриш орқали инсоннинг муҳит билан бўлган ўзаро таъсирини белгилайди.

REFERENCES

1. Ахмедов Р.М. Религиоведение: курс лекций / Р.М. Ахмедов, Р.Ю. Рахматуллин, Т.Ф. Сулейманов. - Уфа: ОН и РИО Уфимского юридического института МВД РФ, 2005. - 219 с.
2. Красников А.Н. Религиоведение и философия религии. Актуальные проблемы: Учебное пособие. - 2-е изд, испр. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2017. - 157 с.
3. Лобазова О.Ф. Религиоведение: Учебник / О.Ф. Лобазова. - М.: Дашков, 2008. - 488 с.
4. Майерс И., Майерс П. MBTI. Определение типов. У каждого свой дар - М: Издательство: «Бизнес Психологии», 2010. - 368 с.
5. Фромм Э. Психоанализ и религия / Перевод А. Дванова. – М.: Аст, 2010. - 160 с.
6. Chaves M., Gorski P. Religious Pluralism and Religious Participation // Annual Review of Sociology, 2001. № 27. P. 261-281.
7. Hood R.W. Jr. Ways of studying the psychology of religion and spirituality // International handbook of education for spirituality, care and wellbeing / ed. M. De Souza. Dordrecht; Heidelberg; L.; N.Y., 2009. - 551 p.